

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «26» 8

110-7-95-МТ/2022-  
сон

Иштихон ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Иштихон туман мактабгача таълим бўлими томонидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар Сайдмуратова Гулчехра бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "БЕКЗОД АРХИТЕКТОР" МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи Кубаев Файрат иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Иштихон туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъминлаш ва фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса

Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "19"августдаги 136608-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 97 500 000 (тўқсон етти миллион беш юз минг) сўмни ташкил қиласди.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 29 250 000 (йигирма тўккиз миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичida Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

#### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан

техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича ийғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

#### IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир қун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқлади.

#### XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз қучини йўқотади.

43. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унгá ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

### 46. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо, бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари/ҳаракатсизлilarini содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбарлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

Томонда ушбу Шартноманинг 46.1.-бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Пудратчи:	Буюртмачи:
Ташкилот номи: “Бекзод Архитектор” МЧЖ Манзил: Қорақишлоқ МФЙ Қорақишлоқ қишлоғи Банк номи: Иштихон АТБ "Агробанк" филиали	Ташкилот номи: Иштихон туман мактабгача таълим бўлими (13-сонли ДМТТ) Манзил: Иштихон шахри А. Темур кучаси 4-уи x/p: 100022860182127091100251001

x/p: 20208000605332794001  
МФО: 00309  
ИНН: 308121524  
Тел: 97 907 44 22

Директор: Кубаев Файрат



ИИН: 207266465

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошкармаси ХККМ

Газначилик бўлинмаси номи: Иштиҳон

## туман Газначилик бўлинмаси

ЯХК: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХККМ

МФО: 00011

ИИН: 201122919

Рахбар Сайдмуратова Гулчехра

卷之三



# **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi

## **Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Pudrat shartnomasi** (Ishtixon tuman Maktabgacha ta’lim bo’limi tomonidan o’zining Nizomi asosida ish yurituvchi rahbari Saidmuratova Gulchexra (shartnomada Buyurtmachi deb ataladi) va “БЕКЗОД АРХИТЕКТОР” МЧЖ tomonidan o’zining Nizomi asosida ish yurituvchi Kubayev G’ayrat (shartnomada Pudratchi deb ataladi)lar o’rtasida 2022-yil 23-avgust kuni tuzilgan 97 500 000 (to’qson yetti million besh yuz ming) so’mlik 100-7-95-MT/2022-sonli Pudrat shartnomasining dastlabki avans 29 250 000 (yigirma to’qqiz million ikki yuz ellik ming) so’mlik 2022-yil 31-dekabrgacha bo’lgan muddatga amal qilivchi pudrat shartnomasi tuzilganligi to’g’risida)

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot

**Ishtixon tuman Maktabgacha ta’lim bo’limi**

**Hujjat yuborilgan vaqtি 25.08.2022 yil**

**Qayta yuborilgan vaqtি 25.08.2022 yil**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga, O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi 631-685-moddasi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.



**2022-yil 26-avgust**

**Bosh yuriskonsul’t  
3-darajali yurist**

**B.Normuratov**



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Usbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BEKZOD ARXITEKTOR" Mastuliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsing - tadbirkorlik subyekting tashkili-huquqli shakli ko'ra uchun holdapi to'g'ri nomi)

"BEKZOD ARXITEKTOR" MCHJ

(Yuridik shaxsing tashkili-huquqli nomi)

Tashkili etish (qayta tashkili etish, boshqa ro'yxaldan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

26.01.2021

941613

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi,

(Soni, oy, yoz ilan, yil)

Soni to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

308121524

Tashkilly-huquqli  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joy:

Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Qoraqishloq MEF-Qoraqishloq  
qishlogi,

Guvohnoma:

Samarqand viloyali, Ishtixon tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARIKAZI

lomoridan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi orqinning to'q nomi):



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 136608 на приобретение Иштихон тумани 13-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси жорий таъмирлаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 19.08.2022

Время рассмотрения 19.08.2022 17:01

Конкурсная комиссия Иштихон туман Мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SAIDMURATOVA GULCHEXRA IBRAGIMOVNA	Рахбар	Иштихон Туман МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	QAHRAMONOV ADHAM AKMAL O'G'LIG'	Эксплуатация хизмат бошлиги	Иштихон туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	MARDIYEV SOHIB ESANBOYEVICH	МТБ хўжалик мудири	Мактабгача таълим булими
<b>Член комиссии</b>	SULAYMONOV TOLLIBOY AXTAMOVICH	Шартнома булим бошлиги	Иштихон туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	JAMOLOV IBROXIM LUTFULLO O'G'LII	Мутахассис	Иштихон туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	USMONOV MANSUR KOMILOVICH	мутахассис	Иштихон туман МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.08.2022 года № лота 136608.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Иштихон тумани 13-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	80 000 000.00
Стартовая сумма	80 000 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Иштихон тумани 13-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	17 744 294.00
Стартовая сумма	17 744 294.00

Валюта	UZS
--------	-----

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

#### Критерий №1 Пудратчи ташкилот тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи ташкилот низоми руйхатдан утказилгани тўғрисида гувохнома, юридик манзили, банк реквизитлари, ККС гувохномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" OK	10	“SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиласиди, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффофф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	10	Экспертная		
ООО BEKZOD ARXITEKTOR	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

#### Критерий №2 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи 12 ой мобайнида бажарилиган ишлар учун кафолат бериш керак .Агар шу муддат ичida носозлик холати аникланса пудратчи хисобидан бартараф этилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" OK	10	“SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиласиди, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффофф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	5	Экспертная		
ООО BEKZOD ARXITEKTOR	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

#### Критерий №3 Машина механизмлар тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" ОК	10	"SAXOVATLI TEMUR" ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	10	Экспертная		
ООО BEKZOD ARXITEKTOR	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

#### Критерий №4 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объеклада бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" ОК	10	"SAXOVATLI TEMUR" ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	10	Экспертная		
ООО BEKZOD ARXITEKTOR	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

#### Критерий №5 Молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги йиллик баланс хисоботлари (Давлат солик инспекциясидан тасдиқланган бўлиш керак). Курилиш ташкилотини хисоб ракамида конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % микдорида пул маблағи мавжуд бўлиши ёки шу микдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" ОК	10	"SAXOVATLI TEMUR" ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО BEKZOD ARXITEKTOR</b>	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

Критерий №6 Банк ва соликдан карзы йуклиги түгрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошқа мажбурий түловлардан карзы йуклиги түгрисида маълумот Қайси турдаги солик түловчи эканлиги түгрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" OK	10	“SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффофф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	10	Экспертная		
<b>ООО BEKZOD ARXITEKTOR</b>	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

Критерий №7 Рейтинг

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг Курилиш вазирлиги маҳсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги түгрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" OK	10	“SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффофф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	10	Экспертная		
<b>ООО BEKZOD ARXITEKTOR</b>	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

Критерий №8 Ишчи ходимлар түгрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар түгрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблаглари түгрисидаги малумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"SAXOVOTLI TEMUR" OK	10	"SAXOVATLI TEMUR" ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоғ кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди.	10	Экспертная		
ООО BEKZOD ARXITEKTOR	10	Ma'lumotlar yuklandi	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"SAXOVOTLI TEMUR" OK	97 744-294.00	95 000 000.00 UZS	95 000 000.00	00.00	95 000 000.00	19.08.2022 06:32:54	20.00
ООО BEKZOD ARXITEKTOR	97 744 294.00	97 500 000.00 UZS	97 500 000.00	00.00	97 500 000.00	19.08.2022 09:29:30	19.49

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"SAXOVOTLI TEMUR" OK	75	20	95
ООО BEKZOD ARXITEKTOR	80	19.49	99.49

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 136608 от 19.08.2022 года на приобретение Иштихон тумани 13-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ООО BEKZOD ARXITEKTOR  
308121524

и резервный исполнитель: "SAXOVOTLI TEMUR" OK (301630189)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SAIDMURATOVA GULCHEXRA IBRAGIMOVNA	Согласен	
Член комиссии	MARDIYEV SOHIB ESANBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SULAYMONOV TOLLIBOY AXTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	JAMOLOV IBROXIM LUTFULLO O'G'LII	Согласен	

Член комиссии	USMONOV MANSUR KOMILOVICH	Согласен	
---------------	---------------------------	----------	--

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП